

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Шамуратова Нигора Тахировна

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ВА УНИНГ ТАБИИЙ
ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

**11.00.11– Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2011

Иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Табиий география ва география таълими методикаси” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: география фанлари доктори, профессор
Нигматов Асқар Нигматуллаевич

Расмий оппонентлар: география фанлари доктори
Субхон Бурханович Аббасов

география фанлари номзоди
Назаров Абдуғаффор Абдужаббарович

Етакчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Ҳимоя Гидрометеорология илмий-текшириш институти ҳузуридаги география фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилиш бўйича ташкил қилинган К 128.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 20.. йил соат..... да ўтказиладиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100052, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Қ.Маҳсумов кўч., 72-уй. Тел.: 998-71-233-43-49, Факс: 998-71-233-11-50

Диссертация билан Ўзгидромет (ГМИТИ) кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “.....” да тарқатилди.

Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби, физика-математика
фанлари номзоди

З.Назиров

I.ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Дунё хўжалиги таркибида энг жадал суръатларда ривожланиб бораётган иқтисодиёт соҳаларидан бири туризмдир. Туризм индустрияси кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 10% и, жаҳон истеъмол сарфининг 11% и тўғри келади. ЖТТ (Жаҳон туристик ташкилоти) нинг башоратига кўра 2010 йилда туристик саёҳатларнинг сони 937 млн. атрофида бўлди. Замонамизда туризм оқими, XX асрдан фарқли, нафақат ривожланган мамлакатлардан ривожланганларига, балки ривожланаётган мамлакатларга томон ҳам юз ўгирмоқда. Бу ўринда туристик бозорнинг деярли ярмини қамраб олган Осиё-Тинч океан минтақалари, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари етакчилик қилмоқда. Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Жаҳон Туристик Ташкилоти (ЖТТ) томонидан экологик туризмнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган бўлиб, унинг башоратига кўра 2020 йилга қадар экологик туризм бешта асосий стратегик йўналишлар қаторидан жой олади.

Экотуризм орқали чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон деган юрт ҳамда унинг бой ва бетакрор табиати ҳақидаги тассавурга эга бўлсалар, фуқаролари - ўз Ватани билан яқиндан танишадилар, уларда она юртига нисбатан миллий ифтихор ҳамда ғурур туйғусини шаклланади. Ундан ташқари, у турли хил ижтимоий, иқтисодий сиёсий, экологик функцияларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелда имзолаган “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, ҳамда 2006 йил 17 апрелда «Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарорининг қабул қилиниши Ватанимизда туризм жумладан экотуризм фаолиятини дастурий асосда йўлга қўйишда мустақкам негиз бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов “Тодау” газетасига берган интервьюсида республикамиз экотуристтик имкониятларига баҳо бериб, шундай деган эдилар: “Гўзал географик ва табиий шароитлар республика худудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир” (Халқ сўзи, 2007.26.01). Бу баҳо ўша йилнинг июнь ойида “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси”ни ишлаб чиқишга, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси қошида “Экотуризм илмий-амалий Маркази”ни очишни режалаштиришга чорлади. Ҳозирда республикамизда 300 дан зиёд туристик ташкилотлар экотуризм билан бевосита ёки билвосита шуғулланмоқдалар, лекин шунга қарамадан республикамизда экотуризмни асл моҳиятини акс эттирувчи экотурлар кўзга ташланмайди. Экотуризм ё табиий, ё тарихий, ё агротуризм билан аралаштириб юборилмоқда.

Экотуризмнинг илмий-назарий асосларини ва унинг табиий географик жиҳатларини очиб бериш, Ўзбекистон табиатини экотуристтик

имкониятларини аниқлаш, таҳлил қилиш, улардан оқилона фойдаланиш йўллари кўрсатиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмнинг экологик йўналиши дунёда аввало амалий ишлардан бошланган. 1972 йилдан бошлаб Скандинавия мамлакатларида фуқароларга китларни томоша қилиш ва ўрганишни ташкил қилиш орқали йиғилган маблағни уларни муҳофазаси учун сарфлашган. Кейинчалик экотуристтик маршрутлар ишлаб чиқилиб улар Европанинг бошқа мамлакатларига, Осиё, Шимолий Америка давлатларига ёйилган. Экотуризмнинг мустақил туристик йўналиш сифатида ривожланиши XX аср охири ва XXI асрнинг бошларига тўғри келди. Лекин ҳозирги кунда экотуризмнинг умумий эътироф этилган назарияси ва амалиёти етарли даражада шаклланмаган. R.Davidov (1990), A.B.Дроздов (1999), Н.Тухлиев ва А.Таксанов (2001), В.В.Храбовченко (2003), Т.В.Бочкарева (2003), Л.И.Егоренков (2003), А.Таксанов (2005), Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаева (2006) каби тадқиқотчиларнинг ишлари кўпроқ экотуристтик маркетинг, менежмент, таълим ва тарбияга бағишланган бўлиб, уларда табиий туризм билан экотуризм ўртасида аниқ бир чегара ўрнатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳали экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишларини режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Мирзо-Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Табиий география ва география таълими методикаси кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаларига боғлиқ ҳолда ОИД-3-8 – сонли Ўзбекистоннинг экотуристтик районлари ва маршрутлари картасини яратиш” мавзусидаги давлат гранти доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади – экологик туризмнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистонда унинг табиий географик жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган ва амалга оширилган:

- √ экотуризмнинг объекти ва предметини аниқлаштириш;
- √ экотуризмнинг Ўзбекистон ҳудудидаги экотурларини таснифлаш;
- √ экотуризмнинг табиий географик жиҳатларини очиб бериш;
- √ Ўзбекистон табиатининг (ландшафтларини) экотуристтик имкониятларини аниқлайдиган муҳим омилларни белгилаш ва уларни характерлайдиган кўрсаткичларни аниқлаш;
- √ Ўзбекистонни экотуристтик жиҳатдан районлаштириш;
- √ Ўзбекистоннинг экотуристтик районлари ва маршрутлари картасини яратиш услубини ишлаб чиқиш ва уни 1:1 000 000 масштабда тузиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур диссертация ишининг тадқиқот **объекти** – Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари ва табиий комплекслари, бунёд этилган маданийлаштирилган объектлари, **предмети** эса – уларнинг табиий географик жиҳатлари ва экотуристтик имкониятлари.

Тадқиқот методлари. Халқаро ҳамжамият ҳамда Ўзбекистон Республикасининг туризм ва экология соҳасини ривожлантириш

концепцияси, республика Президенти И.А.Каримовнинг фармонлари ва асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2008-2012 йиллар мобайнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури”, мазкур йўналишда олиб борилаётган амалий ва илмий изланишлар диссертация ишининг методологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Ушбу илмий тадқиқотни амалга оширишда табиий географик тадқиқот, кузатув, қиёсий экологик, картографик, статистик, тизимли таҳлил, тиббий-географик, психолого-эстетик ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар. Диссертациянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан тарзда ҳимоя учун қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилди:

- экотуризмнинг илмий йўналиш ва амалиёт тармоғи эканлиги;
- Ўзбекистонда экотуризмнинг табиий географик жиҳатлари;
- Ўзбекистоннинг экотуристлик имкониятларини баҳолаш услуби ва мезонлари;
- Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари ва маршрутлари картаси;

Ишнинг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистонда экотуризмнинг мустақил илмий йўналиш ва амалиёт соҳаси эканлиги илк бор асослаб берилди.

- Экотуризм тушунчаси, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, таснифланиши, ривожлантириш концепцияси, йўналтирувчи коидалари – принципларига аниқлик киритилди.

- Ўзбекистон табиат мажмуалари ва компонентларининг экотуристлик имкониятларини баҳолаш методи асосланди. Ўзбекистон ҳудудининг экотуристлик имкониятларининг табиий географик жиҳатлари тадқиқ қилинди ва экотуристлик районлаштирилишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

- “Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари ва маршрутлари” 1:1 000 000 масштабдаги картаси ва унинг электрон версияси тузилди.

- Ўзбекистонда экотуристлик маршрутларнинг илмий асослари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот орқали олинган илмий хулоса, натижалар, картографик ва электрон ахборот материаллари, режалаштирилган экотуристлик маршрутлар ва уларни ўтказиш бўйича тавсиялар Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг табиий географик асоси бўлиб хизмат қилади. Ундан жойнинг регионал ва маҳаллий табиий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда экотуристлик маршрутларни ўтказиш, уларни олиб бориш ҳамда бошқа туристик маршрутлар билан табиат-жамият ўртасидаги уйғунликни бузмаган ҳолда бирга ташкил этиш, экотуристлик муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий механизмини яратиш, туризм ва рекреацияга оид давлат концепцияси, дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Мазкур тадқиқот иши асосида ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 7 мартдаги 51-сонли «Меъёрий ва услубий ҳужжатлар сифатини таъминлаш жараёнини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи асосида "Экотуризм асослари" номли ўқув дастури ва ўқув

қўлланмаси яратилди ва у 2006 йил 4 ноябрда Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан тасдиқланди. Мазкур иш маълумотларидан экотуристлик фирмалар томонидан экотуристлик маршрутларни ташкил этиш ва уларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижалари "Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси"ни (Ekologiya xabarnomasi. 6-сон 2007 й.) ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилди (Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 10-1016-сонли маълумотномаси). "Экотуризм асослари" ўқув қўлланмаси (Нигматов, Шомуратова, 2007) Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2006 йил 4 ноябрдаги қарори ва Ҳукумат комиссиясининг 2007 йил 9 февраль 24-буйриғига мувофиқ 0652-сонли лицензия билан чоп этилди, туризм ва сервис йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Ўқув қўлланма "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" 2008 йилги Республика танловида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан "Экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш, муҳофаза этиладиган ҳудудларда кадастрлик фаолиятини юритиш, экотуризмни ривожлантириш, чиқиндиларни зарарсизлантириш" лойиҳа тадбирларини белгилашда мазкур диссертация маълумотларидан фойдаланилган (маълумотнома № 2/53 27 январь 2010 й.). Шунингдек, диссертация натижаларидан ЎзМУнинг Фалсафа факультетида "Тарихий ўлкашунослик ва туризм" фанини ўқитишда ва амалий машғулотларни олиб боришда фойдаланилмоқда (маълумотнома № 08-497 19 февраль 2010 й.).

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертацияга оид илмий хулосалар ва натижалар куйидаги анжуман, конференция, йиғилиш, семинар ва давра суҳбатларида муҳокама қилинган ва уларга оид тўпламларда нашр қилинган:

"Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт" (ЎзМУ, Тошкент, 2006); "Ҳозирги замон географиясининг назарий ва амалий муаммолари" (Андижон, 2007). География жамиятининг VII съездида, (Тошкент, 2006); "География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари" (ТДПУ, Тошкент, 2006); Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари танлови республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2007), "География таълими ва услубининг долзарб муаммолари" Республика илмий услубий анжумани (Кўкон, 2008), "География ва география таълими ёшлар нигоҳида: кеча, бугун, эртага" (Тошкент, 2008), Ўзбекистон География жамияти ахбороти (25-жилд 2005, 29-жилд 2007, 35-жилд 2010, 36-жилд 2010, 37-жилд -2011), Экология хабарномаси - 6-сон 2004, - 2-сон 2007.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, 1 та ўқув қўлланма (хаммуаллифликда), 20 та илмий мақола (шундан 10 таси ОАК рўйхатига кирган журналларда). Уларнинг умумий ҳажми 13 босма табокдан иборат.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Мазкур илмий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 128 саҳифадан иборат бўлиб, шундан матн қисми 112 бет бўлиб, унда 2 та карта, 3 та расм, 7 та жадвал ва 1 та илова ўрин олган, адабиётлар рўйхатида 171 манба келтирилган.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Экологик туризм ва унинг таснифи, экотуристтик концепциялар ва принциплар. Ҳозирги кунда экология нафақат мустақил фан соҳаси, балки фанлар тизимига айланди. Экотуризм ана шу тизимда ўз ўрнига эга фан соҳаси ва амалиёт йўналишидир. Кўпгина олимлар (Davidov, 1990; Дроздов, 1999; Храбовченко, 2003; Бочкарева, 2003; Егоренко, 2003; Тухлиев, Таксанов, 2001, Таксанов, 2005; Тухлиев, Абдуллаева, 2006, Нигматов, Шомуратова, 2004,2005,2006,2007,2008,2009 ва бошқалар) экотуризмни турлича талқин қиладилар. Австралиянинг Миллий экотуризм Стратегиясига экотуризм табиатга йўналтирилган туризм бўлиб, у экологик барқарорлик қоидаларидан келиб чиққан тарзда ўз ичига таълим ва тарбияни ҳам қамраб олади. Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи экотуризмни – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, унга сайр қилганда "юмшоқ" таъсир кўрсатиш йўли билан маданий ва табиий меросни ўрганиш ҳамда завқланиш, нисбатан бузилмаган табиий ҳудудларга экологик маъсулиятли саёҳат, деб тушунтиради. Унга яқин тушунчани АҚШ Экотуризм жамияти беради (Косолапов, Мизь, 2002). Юқорида келтирилган тушунчаларда, экотуризм билан табиатга қилинадиган туризм тури ва вазифалари аралаштириб юборилган; экосаёҳатчиларнинг асосий мақсадлари доимо ҳам табиатни муҳофаза қилиш бўлавермайди, лекин уларнинг атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва ундан тушган фойданинг аксарият қисмини ўша экотуристтик муҳитни муҳофаза қилишга йўналтириши лозимлиги акс этмаганлиги каби экотуристтик шартлар ифодаланмай ёки тўлиғича таърифланмай қолинган.

*Экотуризм – шахсларнинг дам олиш, спорт билан шугулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш каби мақсадда ҳамда экологик вазифаларни бажариш учун доимий яшаш жойларидан чиқиб, атроф табиатга қиладиган саёҳатлари. Бундан келиб чиққан тарзда **Экотуризмнинг мақсади** – туризм орқали ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишни таъминлаш.*

Давлат ва жамиятнинг экотуристтик эҳтиёжини қондириш учун миллий миқёсда қуйидаги **вазифалар бажарилиши**¹ талаб этилади: *экотуризмнинг*

¹ «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси» // Ekologiya xabaromasi.3-сон, 2007. 8-б.

ягона, умумэътироф этилган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш; аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш йўллариини излаб топиш; экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш; экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; ҳудуднинг экотуристтик имкониятларини баҳолаш, рўйхатга олиш, мониторингини олиб бориш ва ҳ.к.

Экотуризм объектига М.И.Егоренков (2003) ландшафт минтақалари экотизимлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни олса, В.В.Храбовченко (2003) инсон фаолиятидан сақланган ва у томонидан ўзгартирилган атроф муҳитни олган. Жаҳон туристик ташкилоти экотуризм объекти сифатида муайян давлатларда инсонларни туризм нуктаи назаридан қизиқтира оладиган табиат эканлигини уқтиради. Лекин унда инсонларни аниқ бир билиш ёки амалий фаолиятида қўллаш мумкин бўлган объектив реаллик аниқ қилиб кўрсатилмаган. Уларда экотуристтик объектга нисбатан аниқ бир тушунча ёки таснифий белги кўрсатилмаган. Антропоген ўзгарган ёки инкирозли ҳолатдаги ҳудудлар (Орол ва Оролбўйи) уларнинг фикрича экотуризм объекти бўла олмайди.

Умуман олганда, экология маълум бир тизимда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришга қартилган фан соҳаси экан, экотуризм объектига табиий комплекслар, табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган, маданийлаштирилган ва бузилган геотизимларни киритиш мумкин. Экотуристтик объект бўлиши учун ушбу ҳудудлар табиий келиб чиққан ёки улар инсонлар томонидан ўзгартирилган бўлиши ҳамда кишиларни сайёҳлик имкониятларини қондириши керак. Акс ҳолда табиат мажмуалари ёки объектлари экотуризм объекти бўла олмайди.

Экотуризм предмети – экологик характердаги сайёҳлик. Бу туризм субъектларини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва уни асраш, бузилган табиат тизимлари ва комплексларини қайта тиклаш, табиат компонентларидан оқилона ва самарали фойдаланишга йўналтиришдир.

Ҳар бир фанда таснифлаш ишлари олиб борилгани каби туризмда ҳам шу каби ишлар бажариб келинмоқда.

Туризмни унинг объекти, улардан фойдаланиш усуллари, сайёҳларнинг ёши, касби, қизиқиши, саломатлиги, маршрутларининг узок ёки яқинлиги, оғирлиги ва моддий қийматида қараб мутахассислар турлича таснифлаганлар. Замонавий туризмни таснифлашда С.Р.Ердавлетов (2000), бўш вақтнинг борлиги ва давомийлиги; саёҳатчиларнинг ёши, жинси, саломатлиги, маънавий-маданий ривожланганлиги, шахсий ҳоҳиш ва моддий таъминланганлиги; табиий шароитнинг хилма-хиллиги ва мавсумийлиги; ҳаракат қилиш воситасининг борлиги каби омилларга ўз эътиборини қаратган ва туризмнинг мақсади, шароити, йўналиши ҳамда кўламига қараб уларни шакл, синф (класс), тур ва кўринишларга ажратган.

Т.В.Бочкарева (2003) экотуризмни таснифлаганда экотурларни қаердалигига қараб уни синфларга, экотурлар мақсади ва саёҳат олиб бориладиган объектига қараб кўринишларга, экотур қатнашчиларининг ёши, саломатлиги ва гуруҳларнинг сонига қараб шаклларга ажратган.

В.В.Храбовченко (2003) экотуризм ва экотурларни таснифлашда оддийгина қилиб, 4 та кўринишини ажратган – илмий, табиий-тарихий, саргузашт, табиий резерватларга қилинадиган саёҳат. Бизнингча, экотуризмни таснифлашни экотурлар бўйича амалга ошириш ва қуйидагича иерархик қисмларга ажратган маъкул: *шакл → синф → тур → кўриниш → гуруҳ → даража (1-расм).*

Иерархик погоналар	ШАКЛ	СИНФ	ТУР	КЎРИНИШ	ГУРУХ	ДАРАЖА
I	Экотуризм предметига кўра					
II		Экотуризм объектига кўра				
III			Экотуризм турига кўра			
IV				Экотуризм воситасига кўра		
V					Иштирокчиларга кўра	
VI						Иштирокчиларнинг иқтисодий имкониятларига кўра

1-расм. Экотуризмнинг таснифланиши

Экологик туризмнинг концепциясини ишлаб чиқиш билан кўплаб етакчи олимлар – географлар, биологлар, иқтисодчилар, психологлар шуғулланганлар. Жумладан, Россияда В.В.Петров (1997) А.В.Дроздов (1999), Е.Ю.Ледовских, Н.В.Моралева (2002), Т.К.Сергеева, Т.В.Бочкарева (2003), В.В.Храбовченко (2003) ва бошқа давлатларда J.Krippendorf, P.Hasslacher, D.Kramer (1988), E.Boo (1990), K.Lindberg, D.Hawking (1993), H.Ceballos-Lascurain (1996) каби олимлар машғул бўлганлар.

Юқорида келтирилган олимларнинг ишларини умумлаштирган ҳолда, шу кунгача бўлган **экотуристик концепцияларни** келтирамиз. Булар *натуралистик, истеъмолчилик, алармизмчилар, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар стратегияси, экотуристик ривожланиш чегараси, муҳофаза қилиш ва ривожланиш, экотуристик инқилоблар, барқарор ривожланиш учун экотуризм концепцияларидир.*

Юқорида санаб ўтилган экотуристлик концепциялардан ташқари дунёнинг турли жойларида турлича қарашга эга бўлган партиялар, оқимлар, ҳаракатлар, кенгашлар, жамғармалар мавжуд.

Экотуристлик концепцияларидан келиб чиққан ҳолда экологик сайёҳликнинг мақсади ва моҳиятини белгилаб берувчи яна бир қадам – ижтимоий экотуристлик муносабатларда амал қилиниши керак бўлган принциплардир. Улар қуйидагилардир: *экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш масаласининг устуворлиги, экотуризмдан тушган фойданинг экологик мақсадларга йўналтириши, экотуризмнинг тарихий, маданий, диний туризм каби бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлик* кабилардир. Муайян экологик меъёردаги экотуризм принциплари экологик хавфсизликни ушлаб турувчи зарурий ҳодиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан бир вақтнинг ўзида ҳам сайёҳлик, ҳам табиатни муҳофаза қилиш қоидалари келиб чиқади. Экотуристлик йўналтирилган ҳаракатлар экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади.

Экологик туризмнинг табиий географик жиҳатлари ва Ўзбекистон табиатининг экотуристлик имкониятлари. Экотуризм бошқа туризм турларига нисбатан ёш йўналиш бўлганлиги учун унинг табиий географик томонлари етарли даражада ўрганилмаган. Экологик туризмнинг табиий географик жиҳатларини кўриб чиқишда аввало табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни экотуристлик ресурс жиҳатидан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Табиат инсоннинг саёҳатга чиқиши учун жойларда турли даражада қулайликлар яратган. Ҳар бир табиий комплексда инсон организмга мавжуд табиий омиллар мажмуали равишда турлича таъсир этади. Текислик билан тоғ минтақаларида таъсир этувчи табиий омилларнинг мажмуасини бир - бирига солиштириб бўлмайди. Шуларни эътиборга олиб, ҳар бир табиий комплексни экотуризм нуқтаи назаридан баҳолаш амалий аҳамиятга эга. Табиий комплексларни мажмуали баҳолашдан аввал ҳар бир компонентни алоҳида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Экотуризм ва унинг ривожланиши на фақат ўрганилаётган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароитига боғлиқ бўлибгина қолмасдан балки шу ҳудуднинг табиий шароитига, унда экотуристлик объектларнинг мавжудлигига ва уларнинг географик ўрнига ҳам боғлиқдир. Чунки табиий шароит хусусиятлари ҳудуднинг экотуристлик имкониятларини ва унинг қайси турларини ривожлантириш мумкинлигини аниқлашга имкон беради.

Геомажмуаларнинг экотуристлик имкониятларини ўрганишнинг асосий мазмуни экотуристларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда геомажмуаларни экотуризм учун яроқлилиги, қулай ёки ноқулайлик даражасини аниқлаб беришдан ҳамда ўрганилаётган геомажмуаларнинг экотуристлик объектларга нечоғлиқ эга эканлигини, уларнинг географик ўрнини аниқлашдан иборат.

Табиий комплексларни экотуризм нуқтаи назардан баҳолаганда уларнинг экотуристлик имкониятларини аниқлаб берадиган ҳамма хусусиятларини инобатга олиш талаб этилади. Бу хусусиятлар қуйидаги

омиллар асосида шаклланади. Улар литолого-геоморфологик, иқлим, сув режими, тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёсидир. Улар биргаликда у ёки бу табиий шароитни шакллантириб жойни экотуризм учун яроқлигини ва қайси даражада қулайлигини аниқлаш имконини беради.

Географик мажмуаларнинг экотуристтик имкониятларини аниқлашда экотуризмга (экотуристга) хавф-хатар туғдирадиган, унинг қийматини туширадиган объектив хавфларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Булар: сейсмик хавф, қор кўчиши ва сел келиши билан боғлиқ бўлган хавф, ёввойи ҳайвонларни ва қурт-қумурсқаларнинг ҳужуми билан боғлиқ хавф, хавфли метеорологик ҳодисалардир.

Геомажмуаларнинг экотуристтик имкониятларни белгилаб берувчи омилларнинг экотуристтик имкониятларни юзага келтирадиган мавқега қараб иккига – кучли ва кучсизга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари кириб, улар экотуристтик имкониятларнинг юзага келишида етакчи ҳисобланади. Кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қопламини ҳамда ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин.

Геомажмуанинг экотуризм учун қулайлигини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири **рельеф** бўлиб, унга таъриф берилганда жойнинг денгиз сатҳидан мутлақ ва нисбий баландлигига, ўйдим-чуқурлигига, пластикасига, парчаланганлигига, ёнбағирларнинг турига, унинг қиялигига, ўсимлик билан қопланганлигига, литологик тузилиши каби кўрсаткичларига эътиборни қаратиш лозим.

Худуднинг экотуристтик имкониятларини аниқлашда ва баҳолашда **иқлимий** шароит муҳим ўрин тутаяди. Иқлим инсон фаолиятига бевосита таъсир кўрсатиб, кўп ҳолларда худудларда дам олиш ва саёхатни чегаралайди. Метеорологик ва физиологик омилларнинг комплекс таъсири инсоннинг тана ҳароратини белгилайди. Метеорологик омилларга ҳаво ҳарорати, қисқа ва узун тўлқинли радиация оқими, шамол тезлиги ҳамда ҳавонинг намлиги киради. Физиологик омилларга организмнинг ҳарорат маҳсулоти (оксидланиш жараёнлари натижасида организмдан ажраладиган иссиқлик), шунингдек, организмнинг терморегуляторлик функцияси: тер ажралиши, қон айланиш интенсивлигини тартибга солувчи вазомотор реакциялар киради. Иқлимнинг физиологик комфортлигини типларга ажратиш бирламчи вазифа ҳисобланади. Об-ҳаво инсонга ўзининг барча хусусиятлари билан комплекс ҳолда таъсир этади. Об-ҳаво типлари бир томондан турли географик зоналарда экотуристларнинг иссиқликни ҳис қилиши (теплоощущение), иккинчи томондан эса метеорологик элементлар (ҳаво ҳарорати, қуёш радиацияси, нисбий намлик, шамол тезлиги ва ҳк.) билан тавсифланади.

Ер усти сувлари ҳам экотуризм учун геоэкологик муҳитни яратадиган омиллардан биридир. Уларнинг мавжудлиги табиий муҳитнинг экотуристтик ва рекреацион қийматини оширади. Сув ҳавзаларининг геоэкологик роли турли туман бўлиб, тоза тоғ ва текислик дарёлари, чуқурлиги ва шўрлиги билан ажралиб турувчи кўллар хилма-хил сув саёхатлари ва спорт тадбирлари: экстремал рафтингдан то оҳиста оқишгача, акваланг билан сув

остига тушиш ҳамда йил бўйи балиқ овини уюштиришда катта аҳамият касб этади. Ичимлик, чўмилиш ҳамда майший эҳтиёжлар учун яроқлилиги нуқтаи назаридан дарё ва кўлларнинг иссиқ давр учун ҳарорат режими (ўртача ойлик, ўртача суткалик ва соат 13 дақиқа ҳарорат); сув ҳавзаларининг таҳлили (кимёвий таркиби ва мусаффолиги) кабилар инобатга олинади.

Тупроқ қатламини экотуризм нуқтаи-назаридан таҳлил қилганда унинг хусусиятларига, санитар-гигиеник ҳолатига, табиий ҳолатининг салбий жараёнлар таъсирида бузилиши даражасига эътибор қаратилади. Ўсимликлар олами ҳам экотуризмда алоҳида ўрин тутди. Ўсимлик қоплами кислород билан таъминловчи, асосий соғломлаштирувчи ва рекреацион омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд бўлиб, улар

- табиий ландшафтларнинг турли-туманлиги,
- рекреацион ресурсларга бойлиги,
- халқаро ва Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган камёб турдаги флора ва фауна дунёси,
- табиий ва тарихий ёдгорликларнинг кўплиги,
- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларларнинг мавжудлигидир.

Биз Ўзбекистон ҳудуди табиий шароитининг таҳлили асосида ҳамда И.А.Ҳасанов, В.А.Попов ва бошқалар (1994) томонидан республика учун ишлаб чиқилган аҳоли яшаши учун табиий географик шароитни баҳолаш мезонларидан фойдаланиб, республика ҳудудида экотуристар учун комфортлик даражаси ҳар хил бўлган зоналарни ажратдик. Булар комфортли, ўртача комфортли, бироз комфортли, субдискомфортли, дискомфортли, экстрадискомфортли зоналардир. Ўзбекистоннинг чўл ва воҳадан иборат текислик қисми бироз комфортли (катта кўлларнинг қирғоқ бўйи қисми, чала чўл – қуруқ дашт минтақасининг ўрта ва қуйи қисми), субдискомфортли (Шимолий ва Марказий Қизилқум, Хоразм воҳаси, Жанубий Оролбўйи, Шимолий ва Марказий Устюрт), дискомфортли (Жанубий Устюрт, Жанубий Қизилқум) ва экстрадискомфортли (Томди-Қулжуктоғ ва бошқа қолдиқ тоғлар); тоғли қисми эса дискомфортли (қор ва музлар – нивал минтақаси), ўртача комфортли (баланд тоғларнинг субальп ва альп ўтлоқлари минтақаси), комфортли (ўртача баландликдаги тоғлардаги ўрмон-ўтлоқ-дашт минтақаси ва чала чўл – қуруқ даштнинг юқори қисми), зоналарга киритилди. Бундай зоналарга ажратиш Ўзбекистон ҳудудининг экотуризм имкониятларини аниқлашда биринчи босқич ҳисобланади. Иккинчи яқунловчи босқичи бўлиб Ўзбекистон ландшафтлари *пёдаòèéè áâëäèèîâ÷è îâçîîèàðîè* экотуристтик имкониятларига қараб гуруҳлаштиришдир. Бу Ўзбекистон атласида (1982) чоп этилган, масштаби 1:2 500 000 бўлган ландшафт ва мавзули карталар асосида ҳамда табиий шароитни халқ хўжалигининг турли соҳалари учун баҳолаш бўйича босилиб чиққан ишлар (Е.Б.Лопатина, О.Р.Назаревский 1972; Л.И.Мухина 1973; Б.А.Айзенштат 1973; Б.Н.Лиханов, Н.М.Ступина

1975; Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, Ш.С.Зокиров 1975; 1998; А.А.Рафиқов 1974; И.А.Ҳасанов 1981; А.Г.Исаченко 1980 ва бошқалар) таҳлиliga асосланиб амалга оширилди ва Ўзбекистон ландшафтлари экотуристлик имкониятларига қараб жуда кам имкониятли, кам имкониятли, ўртача имкониятли ва яхши имкониятли табиий комплексларга бирлаштирилди. Бунда ландшафтлар сифатини белгиловчи мезонларга асосланилди.

Ўзбекистонда экотуристлик районлар ва маршрутлар. Ўзбекистон ҳудудини экотуризм имкониятларини ўрганишда асосий илмий изланишлардан бири унинг ҳудудини экотуризм нуқтаи-назаридан районлаштиришдир. Чунки бунда ҳудуднинг экотуристлик қийматини белгиловчи жами табиий географик омиллар таҳлил қилинади, ресурсларнинг ҳолати ўрганилади, баҳоланади ва экотурларни юқори даражада ўтказиш учун зарур бўлган амалий тадбирлар ҳисобга олинади. Районлаштиришга бундай ёндашув экотуризм учун келажакда фойдаланиш мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаш, экотурлар савиясини кўтариш каби амалий вазифаларни амалга оширишга имкон беради.

Таклиф қилинган “Ўзбекистон ҳудудини экотуризм нуқтаи-назаридан районлаштириш” экотуризм ресурсларининг мавжудлиги ва экотуризм имкониятининг даражасига кўра амалга оширилган. Районлаштириш асосида ажратилган ҳудудий бирликлар табиий комплексларнинг регионал хусусиятларини акс эттирган ҳолда ландшафтларнинг ўзига хос мажмуаси билан ҳам ажралиб туради.

А.Г.Исаченко (1968), Н.А.Когай (1969) ва бошқа олимларнинг фикрича, мавжуд умумилмий табиий географик районлаштириш схемаларини ҳудудни амалий мақсадларда районлаштириш схемасини шакллантиришда, айниқса катта таксономик бирликларни ажратишда фойдаланиш мумкин, деган фикрларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудини экотуризм нуқтаи-назаридан районлаштиришда уни Турон ва Марказий Қозоғистон экотуристлик провинцияларининг бир қисми деб қаралди. Улар Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг Ўрта Осиё табиий географик ўлкасида ажратган Турон ва қисман Марказий Қозоғистон (Устюрт, Оролқум) провинцияларига тўғри келади. Улар Ер юзасининг зоналарга бўлиниш системасида ва Ўрта Осиё табиий географик ўлкасида ўзига хос географик ўрни, орографияси ва макрорельефи, ўзига хос иқлим режими, термик шароити ва ресурслари билан ажралиб туради. Турон экотуристлик провинцияси ўз навбатида 2 та - текислик ва тоғ олди – тоғ кичик провинцияларига ажратилади. Уларнинг ҳар бири бошқаларидан морфоструктурасига кўра ҳудудининг умумийлиги, вужудга келиши ва ривожланиш тарихини, айниқса, неоген-тўртламчи (N-O₂) даврларда умумийлиги ва ҳудудининг ўзига хос зона типига (горизонтал ёки вертикал) эга эканлиги ҳамда ўзига хос табиий ресурслари, экотуристлик имкониятлари билан ажралиб туради. Бундай бўлиниш асосида аҳолини экологик тоза ҳудудларга ортаётган талабини қондирадиган ресурслар ҳақида бошланғич маълумотни йиғиш имконига эга бўлиш мумкин.

Кичик провинциялар ичида ҳам табиий шароитининг ички фарқланиши кузатилади. Бу айниқса геологик-геоморфологик, иқлимий, гидрологик ва бошқа шароитларда яққол кўзга ташланади. Кичик провинциялардаги табиий шароитнинг хилма-хиллиги ва улардаги тарихий-иктисодий шароитнинг ҳам ўзига хослиги улар ҳудудида экотурларни ташкиллаштиришда бу фарқларни инобатга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Жойнинг экотуристлик қийматини белгилашда муҳим ўрин тутадиган рельеф, иқлим ва гидрологик шароитларнинг ҳамда ўсимлик қопламнинг ҳар бир кичик провинцияда хилма-хиллиги ва ўзига хослиги кичик провинцияларнинг ҳар бирида экотуристлик районларни ажратиш имконини беради. Ҳар бир ажратилган район табиий шароитининг ўзига хос комплекси, ресурси, яъни табиий шароитининг экотуризм учун ҳар хил даражада яроқлилиги билан ажралиб туради. Юқоридаги принципга асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг текислик қисмида Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Қуйи Амударё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон, тоғ олди – тоғли қисмида эса Мирзачўл, Арнасой-Айдар, Сирдарёбўйи, Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Ҳисор, Қашқадарё, Сурхондарё экотуристлик районлари ажратилди. *Экотуристлик район экотуристлик ресурсларга эга, экотуризмнинг керакли даражада ривожини учун шарт-шароитига эга бўлган ва бошқа ҳудудлардан экотуризмнинг маълум бир йўналиши бўйича ихтисосланганлиги билан ажралиб турадиган ҳудуддир.* Ажратилган районлар ландшафтлар структураси, динамик ҳолати, табиатдан фойдаланиш характери ва табиатни муҳофаза қилиш мажмуаси билан ҳам бир-биридан фарқланади.

Маълумки, экотуристлик объект ҳудудий узлуксиз ёки ареал кўринишда бўлади. Шунинг учун район ҳудудидаги воҳаларни, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни (кўрикхона, буюртмаларни) экотуризмнинг маълум бир йўналиши бўйича ихтисосланганлиги билан ажралиб турадиган кичик район, археологик ва табиат ёдгорликларини, кадамжойларни, архитектура объектларини, ғорларни, шаршараларни ва ҳаказоларни кичик район ичидаги микрорайон ёки жой, пункт, объект сифатида ажратилди.

Экотуристлик районлаштиришда қуйидаги таксономик бирликлар ажратилди: экотуристлик провинция – экотуристлик кичик провинция – экотуристлик район, экотуристлик кичик район – экотуристлик микрорайон (жой, пункт ёки объект).

Экотуристлик районларнинг тавсифини беришда энг аввало экотуристлик ресурслар, яъни табиат манзарасининг асосини ташкил этувчи “омиллар”- рельеф хусусияти, сув ресурслари, иқлим ҳамда ўсимлик қоплами алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, экотуристлик районлардаги геоэкологик вазият ҳам алоҳида ўрин тутди.

Ушбу илмий иш асосида илк бор экотуризм йўналиши бўйича масштаб 1:1 000 000 бўлган Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари ва маршрутлари картасини яратиш – лойиҳа иши амалга оширилди. Экотуристлик картада юртимизнинг бой ва бетакрор табиатини чет эл

туристларига кўрсатиш учун саёхатларни уюштиришда, қулайлик яратишни кўзда тутиб, ажратилган таксономик бирликлар ва экотуристтик маршрутлар ўз аксини топган. Табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклашда юзага келадиган экологик муносабатларни бошқариш ва тартибга солишда экотуристтик маршрутларни кўрсатувчи картанинг аҳамияти катта.

Ўзбекистоннинг экотуристтик картаси ўқув муассасалари, туристик ташкилотлар ва фирмалар, меҳмонхона ва сайёҳларнинг турар жойларида ҳамда мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхоналарида фойдаланиш учун тавсия этилади. Карта экотуризмга оид барча янги маълумотлар билан бойитилган.

Картани яратишдан мақсад – Ўзбекистонда экотуризмни оммалаштириш учун экотуристтик районлар ва улардаги экотуристтик маршрутларни акс эттиришдан иборат. Ушбу мақсад қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилди:

√ республика бўйича экотуристтик районлар ва экотурларни ажратиш ҳамда уни картага тушириш учун маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш;

√ республика бўйича 1: 1 000 000 масштабда картографик асосни яратиш ва унга тегишли экотуристтик районларни тушириш;

√ ҳар бир район бўйича экомаршрутларни йиғиш ва уни картага тушириш;

√ карта макети ва электрон версиясини яратиш ҳамда уларни синовдан ўтказиш.

Карта 1:1 000 000 масштабда, тўғри конусли проекцияда тузилди. Карта компоновкаси ишлаб чиқилди. Давлат чегаралари, вилоят чегаралари тўлиқ кўрсатилди. Картада республиканинг энг чекка нуқталари кўрсатилиб, уларнинг кординаталари ёзиб қўйилди. Шартли белгиларнинг жойи аниқланди. Қўшимча кесма карталар, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва табиат ёдгорликларнинг суратлари ҳам берилди.

Фойдаланилган картографик манбалар: Географик асос тузилиб, умумгеографик картанинг баъзи элементлари тасвирланди, яъни сув объектлари, мавзуга боғлиқ ҳолда аҳоли яшайдиган жойлар, алоқа йўллари (халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темир ва автомобил йўллари), қумликлар ва довлонлар.

Ушбу географик асосдаги берилган маълумотлар туристлар учун жойни ориентирлаш, табиий муҳитнинг хусусиятлари ва қонуниятларини кўриш ва улардан фойдаланиш имконияти ва шу билан бирга экологик муҳитни бир-бирига боғлиқлигини кўрсатишга имкон беради. Масалан, Айдаркўл комплекси ва унинг экологик хусусиятлари.

Географик асос мавзунинг мазмунига мос қилиб танланди. Умуман олганда географик асос жуда зарур элементлар системасидан бири бўлиб, картанинг асосий мазмунини тўла тасвирлаш имконини яратди.

Картани асосий мазмунига қуйидагилар қиради: экотуристтик районлар; экотуристтик маршрутлар; экотуризм элементлари; тарихий ва археологик

ёдгорликлар, табиий ёдгорликлар; диний ва маънавий, маърифий ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар; сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари.

Экотуризм районлари ва уларнинг чегаралари ҳамда уларнинг номлари ранг билан берилди. Ундаги бевосита кўрсатиладиган объектлар геометрик ва бадиий шаклларда кўрсатилди.

Тасвирланадиган объектлар сифат ва миқдор кўрсаткичида, маршрут чизиқлар ҳар хил рангда берилди. Сервис хизмати билан боғлиқ бўлган объектлар ҳам тасвирланди.

Карта тузишда зарур бўлган туристик манба ва маълумот алоҳида гуруҳларга бўлиниб, охириги йилги маълумотларга асосланди.

Диссертацияда ҳамма районларга тавсиф бериш унинг ҳажмини катталаштириб юборади, шунинг учун ҳам экотуристик районларга тавсиф бериш усулини кўрсатиш мақсадида географик ўрни қулай бўлган, табиий шароити, экотуристик имкониятлари хилма-хил бўлган, саноат ривожланган ва аҳоли зич яшайдиган Чирчиқ-Оҳангарон районунига тавсиф келтирилди.

Чирчиқ-Оҳангарон районунида экотуристлар бориб кўрадиган ва танишадиган, табиати яхши сақланиб қолган кўриқланадиган ҳудудлар мавжуд ва улар жуда катта экотуристик имкониятга эга.


Район экосистема ва ландшафтларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради ва у экологик ҳамда биоиклимий нуктаи-назардан қулайлиги билан кўзга ташланади.

Районда камёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари мавжуд бўлиб, улар экотурлар учун объект бўла оладилар.

Район ҳудудида ҳам экотуристларни қизиқтирадиган, улар ўрганиши мумкин бўлган экологик муаммолар мавжуд (атмосфера ҳавоси, ер усти, ер ости сувларини ва тупроқларини ифлосланиши ва ҳк.).

Район иқлими, об-ҳавоси йил давомида дам олиш ва экотуризмнинг ривожланиши учун қулайлиги билан ажралиб туради. Ўртача баландликдаги ва баланд тоғликларда ёзги ҳароратнинг водийлардагига нисбатан 5-15⁰ га паст бўлиши, қишининг жуда ҳам совуқ эмаслиги, қор қопламанинг қалинлиги район тоғлик ҳудудларидан йил давомида экотуризм мақсадларида фойдаланиш имконининг юқорилигидан далолат беради.

Чирчиқ, Чотқол, Писком, Кўксув, Угом, Оҳангарон каби дарёлардан ва Чорвоқ, Ғазалкент, Оҳангарон сув омборларидан, мавжуд кўплаб кўлларида сув спорти ва туризм мақсадларида фойдаланиш мумкин. Гидрогеологик жиҳатдан экотуризм учун энг қулай шароит тоғ олди чала чўл-қуруқ дашт минтақасига тўғри келади. Район ҳудуди экотуризмнинг ривожланиши учун зарур бўлган жами ресурсларга эга. Мафтункор табиати, унинг хилма-хиллиги экотуристларни жалб қилувчи асосий омилдир. Район ҳудуди ўзининг тўқай, воҳа ва тоғ ландшафтлари, тоғ сойлари ва булоқлари, кўллари, музликлари, ғорлари, сув омборлари, каналлари, ер ости минерал сувлари билан экотуризм марказига айланиши мумкин. Районда экотуризмнинг барча турларини



(ilmiy, tabiatning tarixi bilan bogʻliq saʼxatlar, sarguzast turizm, tabiat rezervatlariga saʼxat) rivojlanishi imkoni mavjud. Shuni aytish lozimki, Chirchiq-Ohangaron ekoturistik rayonining toʻgʻli va toʻgʻlik qismida tabiiy sharoit iqtisodiy-ijtimoiy omillar qulay bʻlgan joylarida tabiiy jaraʼnlarning kechishini va seysmik xavfni inobatga olgan holda ekoturistik marshrutlarни kenгайтириш, yangilarini tashkil etish va ekoturistlarни dam olib, davolaniб, сайr-saʼxatда bʻlib, kайfiyatlarini yaxshilashlari imkoniyati mavjud.

Экотуристик маршрутлар ёки экотурлар деярли ҳамма экотуристик сайёҳликнинг асоси ҳисобланади.

Экотуристик маршрут – сайёҳларнинг муайян йўналиш бўйича табиат билан боғлиқ бўлган дам олиши, спорт билан шуғулланиши, соғломлашиши, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш каби мақсадларни кўзлаган экологик йўсиндаги ҳаракат йўналишлари. Экотуристик маршрутлар тушунарли ва оммабоп бўлиши учун турнинг концепцияси тўлалигича ёритиб берилиши, саёҳатнинг ижобий томонларини намоён қилиши, сервис ва қулайликларнинг оптимал хусусиятларини белгилаб бериши керак. У, юқорида зикр этилганидек, турли мақсадда, турли ёшдаги ёки ижтимоий ҳолатдаги кишиларнинг имконият даражасига қараб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Кўпгина ҳолатларда экотуристик маршрутларни қизиқарли, кенг кўламли ва даромадли қилиш учун улар бошқа турдаги туристик маршрутлар билан қўшиб олиб борилади.

3. ХУЛОСА

Мазкур экотуризм муаммосининг ечими жараёнида қуйидаги бир-бири билан боғлиқ бўлган илмий натижаларга эришилди.

1. Экологик туризм ёки экотуризм дунё миқёсида тез суръатларда ривожланиб келаётган туризм тармоқларидан биридир. У жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий функцияларни бажариши билан бир қаторда экологик мауммоларнинг ечимини топишда ҳам хизмат қилмоқда. Лекин унинг илмий асослари Ўзбекистон шароитида ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун экотуризм Ўзбекистонда алоҳида илмий йўналиш ва амалиёт тармоғи сифатида кўриб чиқилди.

Экотуризм – кишиларнинг атроф табиатга қиладиган экологик саёҳатлари бўлиб, шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шуғулланиш, саломатлигини тиклаш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш экологик вазифаларни бажариш каби мақсадда экотуристик объектларга қиладиган саёҳатлари.

Жисмоний ва юридик шахслар доимий яшаш жойларидан пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда 24 соатдан 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга экотуристик объектларга бориб келсалар ёки у ерда камида бир тунни ўтказсалар экотуризм субъектлари бўлиб ҳисобланадилар. Экотуризм объекти - сайёҳларнинг ўзлари яшаймайдиган, туризм уюштирилиши мумкин бўлган ва табиий ва антропоген объектив борлиқ, муҳит, яъни *табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва табиий комплекслар ҳамда бунёд этилган маданийлаштирилган объектлар*. Бу объектларнинг туристик имкониятларини экологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, яъни экологик характердаги сайёҳлик экотуриزمи предметиدير. Экотуризмни таснифлаш эса экотурларнинг иерархик қисмларга, яъни: шакл (предметига кўра) → синф (объектига кўра) → тур

(турига кўра) → кўриниш (воситасига кўра) → гуруҳ (иштирокчиларига кўра) → даражага (иштирокчиларнинг имкониятига кўра) ажратишдир.

Ҳозирги вақтда экотуризмни ривожлантиришнинг асосан 9 та **концепцияси** мавжуд бўлиб, улар дунё ҳамжамияти эътироф этган 12 та **принципга** риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

2. Табиий географиянинг тадқиқот предмети географик қобикнинг умумий географик қонуниятлари, геотизимлар, геомажмуалар ва ландшафтлардан иборат.

Ландшафтнинг экологик имконияти инсониятнинг тирик табиатнинг бир қисми сифатида ҳаёт кечиришининг энг муҳим омиллари – ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув, озиқ-овқатга бўлган талабини қондиради, шунингдек, табиий шароитда меҳнат фаолияти, дам олиши ва маънавий ривожланишини таъминлайди. Экотуризм ўзининг ривожланиши учун маълум табиий географик шароитни талаб қилади. Табиий географик шароити ҳудуднинг табиий омиллари – рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимлик қопламлари, ҳайвонот дунёси ҳамда ландшафтлари ҳосил қилади, улар уйғунликда таҳлил қилинади, натижада ҳудуднинг экотуристтик имкониятлари аниқланади.

Ҳудуднинг экотуристтик имкониятларини аниқлашда геомажмуалар (ландшафтлар) асосий баҳоланиш объекти бўлиб ҳудуднинг табиий имкониятини объектив акс эттиради. Шунинг учун биз геомажмуаларни аниқлашни, картага туширишни ва уларни ҳар томонлама ўрганишни ҳудуднинг экотуристтик имкониятларини аниқлашда ва баҳолашда бажариладиган дастлабки иш деб ҳисоблаймиз.

Геомажмуаларнинг экотуристтик имкониятларини юзага келтирадиган омилларни мавқеига қараб кучли ва кучсиз омилларга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, сувлар, кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қоплами ҳамда ҳайвонот дунёси киритилди. Ҳар икки гуруҳдаги омилларнинг экотуризм нуқтаи-назаридан баҳолашда муҳим бўлган кўрсаткичлари аниқланди ва уларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Улар асосида омиллар ҳам баҳоланди.

Ўзбекистоннинг чўл, адир, тоғ, яйлов, доимий қорликлар ва музликлар минтақаларининг ҳар бирида экотуризм турларини ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд, лекин улар бир хил эмас, уларни яхши, ўртача, кам ва жуда кам имкониятли деб баҳолаш гуруҳларига бирлаштириш мумкин.

3. Республикаимизнинг ўзига хос табиий шароити ва унинг экотуристтик имкониятларининг хилма-хиллиги ҳудудини экотуристтик районлаштиришни талаб этади.

Экотуристтик районлаштириш маълум бир ҳудудни унинг экотуристтик ҳолати, имконияти ва келажак истиқболлари назарда тутилган қисмларга ажратишдир. Экотуризм минтақавий хусусият касб этгани учун ҳам уни регионал районлаштириш принциплари асосида амалга оширган мақсадга мувофиқдир. Регионал районлаштиришда: геомажмуаларнинг ўзига хос

экотуристик имкониятлари; экотуристик объект чегарасининг табиийлиги; турларни экологик моҳият касб этиши; иктисодий самарадорлик ва туристик жозибадорлик учун экотурларни бошқа туризм шакллари билан қўшиб олиб бориш имкониятлари; экотуристикларни миллий ғоя ва бирдамлик руҳида тарбиялаш каби кўрсаткичлар районлаштиришнинг илмий асоси бўлиб хизмат қилди. Республикамиз ҳудудида 14 та экотуристик район ажратилди. Экотуристик ресурслардан амалий жиҳатдан фойдаланиш мақсадида районларнинг табиий шароити ва ресурсларини таҳлил қилиш ва уларнинг экотуризмдаги имкониятларини аниқлаш катта аҳамиятга молик. Шу жиҳатдан Чирчиқ-Оҳангарон районининг барча асосий табиат компонентлари экотуризм нуқтаи назаридан чуқур ва атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, Чирчиқ-Оҳангарон районидаги геоэкологик вазият ҳам инобатга олинди. Ушбу экотуристик районда ўзига хос маршрутлар таклиф қилинди. Маршрутлар – сайёҳларнинг геомажмуалардаги муайян йўналиш бўйича табиат билан боғлиқ бўлган дам олиши, спорт билан шуғулланиши, соғломлашиши, маърифий-маънавий ишларни амалга оширилиши каби мақсадларни кўзлаган экологик йўсиндаги ҳаракатларидир. Маршрутларда геомажмуаларнинг табиий шароити, инфраструктураси, иктисодий ва сиёсий ҳолати, даврий ўзгаришлари, туризмга комплекс ёндашиш жиҳатлари акс эттирилди.

Ҳозирги кунда чет элларда (Канада, Австралия, Германия, Африканинг бир қанча мамлакатлари, Непал ва бошқа) даромадларнинг катта қисми сайёҳлик орқали келади. Ўзбекистонда ҳам четдан келадиган валюта миқдорини кўпайтириш учун туризм, хусусан экотуризм соҳасини кенг миқёсда ривожлантириш лозим.

Экотуризм – Ўзбекистонда янги илмий йўналиш ва амалиёт тармоғидир.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Илмий журналларда

1. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Экологик туризм янги фан соҳаси // Экология хабарномаси. 6-сон 2004. 17-20 б

2. Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм имкониятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти 25-жилд 2005. 123-126 б.

3. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонни экотуристик районлаштириш тажрибаси // Экология хабарномаси 2-сон 2007. 46-50 б.

4. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Экотуризмда таснифлаш масалалари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти 29-жилд, Т., 2007.24-29 б.

5. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Ўзбекистон ҳудудини экотуристик районлаштириш масалалари // Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари. Т.2006. 22-24 б.

6. Хасанов И.А., Шамуратова Н.Т., Никадамбаева Х.Б. Тошкент вилояти табиатининг рекреация имкониятлари //Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари. Т.2006. 25-26 б.
7. Шамуратова Н.Т. Иқлимнинг экотуристик хусусиятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти 35-жилд, 2010. 28-31 б.
8. Шамуратова Н.Т. Рельеф ва экотуризм // Ўзбекистон география жамияти ахбороти 36-жилд, Тошкент 2010 й. 61-63 б.
9. Шамуратова Н.Т. Ландшафтларнинг экотуристик имкониятлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти 37-жилд, Тошкент 2011 й. 43-45 б.

II. Илмий тўплам ҳамда анжуман материалларида:

10. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Геоэкологиянинг назарий асослари // География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари. Т., 2006. 12-15 б.
11. Шамуратова Н.Т. Экологик туризмнинг табиий географик жиҳатлари // Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт // Халқаро илмий-амалий конференция.-ЎЗМУ, Т. 2006. 104-106 б.
12. Шамуратова Н.Т. Экологик туризм ва унинг геоэкологик жиҳатлари // Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани ва илмий ишлар танлови. Маърузалар тўплами Т., 2007. 217-218 б. 10.
13. Шамуратова Н.Т. Экотуризмни ривожланиш босқичлари // Халқаро илмий-амалий конференция. Андижон. 2007.
14. Хасанов И.А., Шамуратова Н.Т. Ёшларни тарбиялашда экотуристтик маршрутларнинг аҳамияти // География таълими ва услубининг долзарб муаммолари Республика илмий услубий анжумани Кўқон 2008 й. 27-28 март.177-179 б.
15. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш масалалари // География ва география таълими ёшлар нигоҳида: кеча, бугун, эртага Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари Тошкент, 6-8 май 2008 й. 9-10 б.
16. Шамуратова Н.Т. Экотуризмнинг мақсади ва вазифалари // География ва география таълими ёшлар нигоҳида: кеча, бугун, эртага Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференцияси материаллари Тошкент, 6-8 май 2008 й. 10-11б.
17. Шамуратова Н.Т. “Экологик туризмнинг ҳудудийлиги” //“География фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари”. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т.; 21-22 ноябрь 2008 йил.
18. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. Атроф-муҳит муҳофазаси // Тошкент. Энциклопедия. – Т.. 2009. 33-35 б.
19. Нигматов А.Н., Шамуратова Н.Т. “Ўзбекистоннинг экотуристтик районлари ва маршрутлари картасини яратишнинг мазмуни ва моҳияти” //

Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари.
Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тош., 6-7 май, 2009.

III. Ўқув қўлланма:

20. А.Нигматов Экотуризм асослари // Ўқув қўлланма 104 б. 2007.

География фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Шамуратова Нигора
Тахировнанинг 11.00.11 – “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий
ресурслардан оқилона фойдаланиш” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистонда

экологик туризм ва унинг табиий географик жихатлари” мавзуидаги
диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: экология, туризм, экотуризм, таснифлаш, концепция, принцип, табиий география, баҳолаш, экотуристтик районлаштириш, экотуристтик район, экотуристтик маршрут.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари ва табиий комплекслари, бунёд этилган маданийлаштирилган объектлари.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда экологик туризмнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва унинг табиий географик жихатларини очиб бериш.

Тадқиқот методлари: табиий географик тадқиқот, кузатув, қиёсий экологик, картографик, статистик, тизимли таҳлил, тиббий-географик, психолого-эстетик ва бошқалар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: экотуризмни Ўзбекистонда илмий йўналиш ва амалиёт соҳаси эканлиги асослаб берилди; Ўзбекистон табиатининг экотуристтик имкониятларини баҳолаш услуги ишлаб чиқилди; Ўзбекистон ҳудудининг экотуристтик имкониятларининг табиий географик жихатлари тадқиқ қилинди ва экотуристтик районлаштирилишининг илмий асослари ишлаб чиқилди; “Ўзбекистоннинг экотуристтик районлари ва маршрутлари” номли картаси 1:1 000 000 масштабда тузилди; Ўзбекистонда экотуристтик маршрутларни олиб боришнинг илмий томонлари ёритиб берилди.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан экотуристтик маршрутларни ўтказишда, уларни бошқа туристик маршрутлар билан бирга ташкил этишда, туризм билан экотуризмнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда, туризм ва рекреацияга оид давлат ва маҳаллий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: "Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси"ни ишлаб чиқишда асос бўлди, "Экотуризм асослари" номли ўқув дастури ва ўқув қўлланма (А.Нигматов, Н.Шомуротова, 2007 й.) чоп этилди ва у муваффақият билан туризм йўналишидаги касб-хунар коллежларида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: таълим муассасалари, туристик ташкилотлар ва фирмалар, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Шамуратовой Нигоры Тахировны на тему:
“Экологический туризм в Узбекистане и его физико-географические аспекты” представленной на соискание ученой степени кандидата географических наук по специальности 11.00.11 – “Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов”

Ключевые слова: экология, туризм, экотуризм, классификация, концепция, принцип, физическая география, оценка, экотуристическое районирование, экотуристический район, экотуристические маршруты.

Объект исследования: природные комплексы, памятники природы, охраняемые природные территории и окультуренные ландшафты Узбекистана.

Цель работы: разработка научных основ экологического туризма в Узбекистане и раскрыть его физико-географические аспекты.

Методы исследования: наблюдения, сравнительный, экологический и системный анализ, картографический, статистический, полевые методы исследований, медико-географический, психолого-эстетический и др.

Полученные результаты и их новизна: обоснована что экотуризм является в Узбекистане научным направлением имеющий практическое значение.

Разработана методика оценки экотуристических возможностей природы Узбекистана;

Исследованы физико-географические аспекты экотуристических возможностей территории Узбекистана и разработаны научные основы экотуристического районирования Узбекистана.

Разработана и составлена “Карта экотуристических районов и маршрутов Узбекистана” в масштабе 1:1 000 000;

Раскрыты научные основы проведения экотуристических маршрутов в Узбекистане.

Практическая значимость: Результаты исследования могут быть использованы в проведении экотуристических маршрутов, в разработке юридических основ использования природы в туризме и экотуризме, в разработке государственных и региональных программ и проектов относящихся к туризму и рекреации.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования послужили основой в разработке “Концепция развития экологического туризма в Узбекистане”. Изданы учебная программа и учебное пособие по предмету “Основы экотуризма” (А.Нигматов, Н.Шомуротова, 2007 г.) и оно с успехом используется в колледжах туристического направления.

Область применения: Госкомприрода, туристические организации и фирмы, учебные заведения туристического направления.

REZUME

Thesis of Shamuratova Nigora Tahirovna on the scientific degree competition of the candidate of geographical science. Speciality: 11.00.11- "Environmental protection and natural resources" Subject: "Ekological tourism in Uzbekistan and its physical geographical aspects"

Key words: ecology, tourism, ecotourism, classification, conception, physical geographical, estimation, regioning and regionins, ecotouristikal routes.

Subject of research: natural complexes, natural sights, reserved natural territories and cultivated landscapes of Uzbekistan.

Aim of research: to work natural basis of ekological tourism in Uzbekistan and to discover its physical and geographical aspects.

Methods of research: to observe, to compare, ecological and sustemactical analyses, cartographic, statistic, research field methods and etc...

The results achieved and their novelty: it's proved ecotourism is scientific trend which has practical importance in Uzbekistan.

Developed method of estimating opportunities ecotouristical nature of Uzbekistan.

Physical and geographical aspects of ecotouristic opportunities territory of Uzbekistan researched and worked scientific bases of ecotouristic regioning of Uzbekistan.

Developed and compiled "map ecotouristical regions and routes of Uzbekistan" on a scale of 1:1.000.000;

Discovered scientific principles of conducting ecotouristic routes of Uzbekistan.

Practical value: The results of research can be using in an ecotouristical routes, in the development of legal frameworks, using nature tourism and ecotourism in developing national and regional programs and projects related to tourism and recreation.

Degree of implementation and economic efficiency: the results of research saved as a basis of work "Концепция развития экологического туризма в Узбекистане". Published educational program and text book on the subject "Основы экотуризма" (А.Нигматов, Н.Шомуротова, 2007 г.) and successfully used colleges and touristic fields.

Sphere of usage: State Committee for Nature, tourism organizations and firms, educational institutions touristic destination.